

## ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ ҚУРАШИШДА ХАЛҚАРО БИТИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ф.Ф.Хасанов

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8265111>

**Аннотация.** Мақолада терроризм ва экстремизмга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлардан битимларда назарда тутилган қоидалар атрофлича таҳлил қилинган ҳамда мазкур соҳадаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиши асослантилган.

**Калит сўзлар:** терроризм, экстремизм, қарши курашиш, битим, халқаро ҳужжатлар, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар.

**Аннотация.** В статье представлен комплексный анализ норм международных документов, предусмотренных соглашениями о противодействии терроризму и экстремизму, а также регулировании социально-правовых отношений в этой сфере.

**Ключевые слова:** терроризм, экстремизм, противодействие, соглашение, международные документы, социально-правовые отношения.

Ер юзида терроризм ҳодисасининг турли шакл ва кўринишларда кенг тарқалиши давлатлар, халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларга таҳдид солиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини поймол этилишига, жамиятнинг демократик негизларига путур етишига олиб келмоқда.

Давлатлар хавфсизлигини издан чиқариш, миллатлар орасида можаро келтириб чиқариш, конституцион ва ижтимоий тузумни куч ишлатиб ўзгартириш, сиёсий, диний ва бошқа хилдаги экстремизмдан фойдаланиш каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйиш зарурлиги, халқаро терроризм инсоният хавфсизлигига катта глобал таҳдид туғдираётгани, унинг барча кўринишларини (*сиёсий, мафкуравий, этник, диний ва бошқ.*) оқлаб бўлмаслиги, жумладан, терроризм, сепаратизм ҳамда экстремизмга қарши курашишда ҳамкорликни кучайтириш мақсадида давлатлар ўртасида халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Буларга терроризм ва экстремизмга қарши курашишга тааллуқли халқаро ҳужжатлар (битим, шартнома ва конвенциялар) ни мисол келтириш мумкин. Жумладан, *битим* – ҳуқуқда шартнома, контракт, халқаро шартнома, конвенция тушунчаларининг синоними<sup>1</sup> сифатида қўлланилади.

Ҳозирги кунда бутун дунёда терроризм ва экстремизмга қарши курашиш масаласи долзарб муаммолардан бири бўлганлиги боис бир қанча давлатлар томонидан жиноятчиликка қарши курашишга оид **37 та**

<sup>1</sup> <https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Bitim> (мурожаат вақти: 18.08.2023 й.).

шундан **таси** терроризм ва экстремизмга қарши курашишга оид битимларга Ўзбекистон Республикаси қўшилган. Умумий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси билан йигирмадан ортиқ давлатлар ўртасида икки томонлама битимлар имзоланган, ушбу халқаро ҳужжатлар мазмунида терроризм ва экстремизмга қарши курашга оид қоидалар аниқ акс эттирилган. Мазкур битимларда белгиланган нормаларнинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинганида қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва **Туркия** Жумҳурияти Ҳукумати ўртасида илк мартаба “Наркотик воситалари ва психотроп моддаларини ғайриқонуний тарқатишга ва терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битим имзоланиб, мазкур битимнинг 1-моддасида “террористик актларни ҳамда хавфсизликка қаратилган фаолиятларни режалаштириш, уюштириш, амалга оширишнинг олдини олиш, тергов қилиш ва таъқиб этишда келгусида бирга ҳамкорлик қилишни ва бир-бирига кўмаклашиш мақсадида ўзбек-турк кўмитаси бир йил давомида камида бир марта ёки зарурат туғилганда томонларнинг илтимосига кўра, қандай вақтда навбати билан Тошкентда ёки Анқарада учрашувларни ташкил этиш; 2-моддасида “кўшма кўмита терроризмга қарши курашда ўз фаолиятини қуйидаги: турли хил террористик ташкилотларнинг фаолиятлари ва услублари ҳақида маълумотлар билан алмашиш ҳамда террористик таҳдидлар, айниқса икки давлат манфаатларига хавф солувчи таҳдидларга нисбатан бўлган маълумотларни доимий равишда янгилаб туриш; террористлар томонидан қўлланиладиган янги террористик услубларга қарши жамоат транспорт воситалари, тайёрагоҳларни қўриқлаш учун кўрилган хавфсизлик чораларини уйғунлаштириш ва кучайтириш мақсадида маълумотлар ва тажриба алмашиш каби соҳаларни мувофиқлаштириш учун масъул эканлиги”<sup>2</sup>;

**Украина** Ҳукумати билан “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимнинг 2-моддасида “ҳамкорлик йўналиши сифатида томонлар жиноятни олдини олиш, аниқлаш,

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Жумҳурияти Ҳукумати ўртасида “Наркотик воситалари ва психотроп моддаларини ғайриқонуний тарқатишга ва терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (1993 йил 5 апрель, Тошкент. 1995 йил 29 октябрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 18.08.2023).



тўхтатиш ва очиш, хусусан, терроризм актлари, уюшган жиноятчилик ва коррупция хатти-ҳаракатларига қарши кураш бўйича ҳамкорлик қилиш”<sup>3</sup>;

**Россия** Федерацияси Ҳукумати билан “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимни 2-моддасида “ҳамкорлик йўналиши сифатида томонлар жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, бартараф этиш ва очиш бўйича, айниқса терроризм, уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик қилиш”<sup>4</sup>;

**Грузия** Республикаси Ҳукумати билан “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимнинг 2-моддасида “ҳамкорлик йўналишлари сифатида жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, бартараф этиш ва очишда хусусан, терроризм, уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашишда ҳамкорлик қилиш”<sup>5</sup>;

**Германия** Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида “Уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа хавfli жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида” битим имзоланиб унда “аҳдлашувчи томонлар ўзларининг ички қонунчилиги доирасида ва ушбу битимга биноан уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа хавfli жиноятларга қарши курашда, шу жумладан уларнинг олдини олиш ва тергов қилишда ҳамкорлик қиладилар” (1-м)<sup>6</sup> деб белгилангани икки давлатнинг марказий ҳокимият органлари (*Ўзбекистон Республикаси томондан*: Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси; *Германия Федератив Республикасидан*: Федерал ички ишлар вазирлиги; Федерал соғлиқни сақлаш вазирлиги; Федерал жиний полиция идораси; Чегара бошқармаси; Божхона жиноят полиция идораси) ўртасида самарали ва тизимли ҳамкорликни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини белгилаб беришга хизмат қилиши;

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Украина Ҳукумати ўртасидаги “Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1995 йил 20 июнь, Тошкент. 1995 йил 20 июндан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1995 йил 27 июль, Тошкент. 1995 йил 27 июлдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Грузия Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битим (1995 йил 4 сентябрь, Тошкент. 1995 йил 4 сентябрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида “Уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа хавfli жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида” битим (1995 йил 16 ноябрь, Бонн. Ўзбекистон Республикаси учун 1997 йил 3 ноябрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

**Болгария** Республикаси Ҳукумати билан “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида”ги битимнинг 2-моддасини б-бандида “терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш”<sup>7</sup>;

**Тожикистон** Республикаси Ҳукумати билан “Терроризмга, сиёсий, диний ҳамда бошқа хилдаги экстремизмга, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битим имзоланиб, мазкур битимнинг 1-моддасида “терроризмга, сиёсий, диний ва бошқа хилдаги экстремизмга қарши курашда *Ўзбекистон Республикаси учун* - Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги; Тожикистон Республикаси учун - Ички ишлар вазирлиги, Хавфсизлик вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамкорлик қилиши”; 2-моддасида “томонлар конституциявий ва ижтимоий тузумни куч ишлатиб ўзгартиришга, ўз давлатлари ҳудудий яхлитлигининг бузилишига, терроризмга, сиёсий, диний ва бошқа хилдаги экстремизм уринишига қарши келишилган ҳаракатларни амалга оширилиши; 3-моддасида “томонлар терроризм ва қўпуровчилик ҳолатлари, сиёсий, диний ва бошқа хилдаги экстремизм ҳолатларини олдини олиш, аниқлаш, бартараф этиш ҳамда фош этишда ҳамкорлик қилиш”<sup>8</sup>;

**Қирғизистон** Республикаси Ҳукумати билан “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимнинг 2-моддасида “терроризм актлари, шу жумладан диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва коррупция билан боғлиқ ҳолатларни олдини олиш, аниқлаш, бартараф қилиш, текширишда ҳамкорлик қилиш”<sup>9</sup>;

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Болгария Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (1999 йил 7 май, Тошкент. 1999 йил 26 сентябрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Терроризмга, сиёсий, диний ҳамда бошқа хилдаги экстремизмга, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битим (1999 йил 26 май, Хўжанд. Ўзбекистон Республикаси учун 1999 йил 26 майдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битим(1999 йил 9 июль, Тошкент. 2000 йил 4 декабрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

**Озарбайжон** Республикаси Ҳукумати билан “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимнинг 2-моддасида “ҳамкорлик йўналишлари сифатида терроризмга қарши курашиш”<sup>10</sup>;

**Молдова** Республикаси Ҳукумати билан “Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимнинг 2-моддаси а-бандида “терроризм, гаровга олиш ва жамоат хавфсизлигига бўлган бошқа тажовузуларга қарши курашда ҳамкорлик қилиш”<sup>11</sup>;

**Австрия** Республикаси Федерал ҳукумати ўртасидаги мазкур соҳани тартибга солувчи битимда “аҳдлашувчи томонлар ўз давлатларининг қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларига асосланиб ўзларининг ваколатли идоралари орқали биринчи навбатда, халқаро экстремизм ва терроризм, гаровга олиш ва жамоат хавфсизлигига таҳдид солаётган бошқа хавфли тажовузулар бир-бирларини қўллаб-қувватлаши” (2-м)<sup>12</sup>;

**ШХТга** аъзо давлатлар ўртасида “Минтақавий аксилтеррор тузилма тўғрисида”ги битимнинг 6-моддасида “Минтақавий аксилтеррор тузилманинг асосий вазифаси этиб қуйидагилар белгиланган: терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш; томонларнинг ваколатли органларининг илтимосига кўра, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда кўмаклашиш; томонлардан терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш масалаларига доир (объектлар ва шахслар бўйича) келиб тушаётган маълумотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилиш; томонлар ваколатли органларининг талабномалари бўйича маълумотларни тақдим этиш; томонларнинг илтимосига кўра, аксилтеррор кўмондонлик – штаб ва оператив-тактик машғулотларга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишда кўмаклашиш; томонларнинг илтимосига кўра, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича тезкор-қидирув ҳамда бошқа тадбирларга тайёргарлик кўришда ва ўтказишда кўмаклашиш; терроризм қилмишни содир этганлиги тахмин қилинаётган шахсларни жинойий жавобгарликка тортиш мақсадида

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битим (2000 йил 25 июль, Боку. Ўзбекистон Республикаси учун 2001 йил 9 июндан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Молдова Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битим (2000 йил 19 декабрь, Кишинёв. Ўзбекистон Республикаси учун 2000 йил 15 майдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Австрия Республикаси Федерал Ҳукумати ўртасида “Хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битим (2001 йил 2 ноябрь, Тошкент. 2002 йил 18 майдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

уларнинг халқаро қидирувини амалга оширишда кўмаклашиш; терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш масалаларга дахл қилувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш; аксилтеррор бўлинмалар учун мутахассис ва инструкторларни тайёрлашда ҳамкорлик қилиш; терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш масалалар бўйича тажриба алмашишга кўмаклашиш, илмий-амалий конференциялар ҳамда семинарларга тайёргарлик кўришда иштирок этиш; терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан ишчи муносабатларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш”<sup>13</sup>;

**Литва** Республикаси Ҳукумати билан “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимнинг 2-моддасида “ҳуқуққа зид келадиган фаолиятлар иккала томон давлатларининг манфаатларига дахл қилганда шу жумладан, халқаро террорчилик ҳаракатларига қарши курашишда ҳамкорликни амалга ошириш”<sup>14</sup>;

**Латвия** Республикаси Ҳукумати билан “Уюшган жиноятчилик, терроризм, гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида”ги битимнинг 2-моддаси 6-бандига биноан “ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида томонлар терроризмга қарши курашишда ҳамкорлик қилиши”<sup>15</sup>;

**Польша** Республикаси Ҳукумати ўртасида “Уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида”ги битимнинг 1-моддасида “томонлар ўз давлатларининг хавфсизлик ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш органлари ўртасида уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда, хусусан, терроризмга қарши курашда ҳамкорликни таъминлаш”<sup>16</sup>;

---

<sup>13</sup> Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида “Минтақавий аксилтеррор тузилма тўғрисида”ги битим (2002 йил 7 июнь, Санкт- Петербург. Ўзбекистон Республикаси учун 2003 йил 14 ноябрдан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Литва Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битим (2002 йил 18 февраль, Тошкент. Ўзбекистон Республикаси учун 2002 йил 17 июндан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Латвия Республикаси Ҳукумати ўртасида “Уюшган жиноятчилик, терроризм, гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (2002 йил 17 июнь, Тошкент. Ўзбекистон Республикаси учун 2003 йил 25 сентябрдан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Польша Республикаси Ҳукумати ўртасида “Уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (2002 йил 21 октябрь, Тошкент. 2003 йил 22 ноябрдан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти:18.08.2023).



**Хитой** Халқ Республикаси Ҳукумати билан “Терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида”ги битимнинг 9-моддасида “террорчи, айирмачи ва экстремист ташкилотлар ҳамда уларнинг аъзолари, мумкин қадар ташкилотларнинг номи, тузилиши ва асосий фаолияти тўғрисида ахборот, шунингдек уларнинг аъзолари фамилиялари, фуқаролиги, турар жойи ёки қаердалиги, ташқи қиёфасининг хос қирралари, фотосурати, бармоқ излари тўғрисида маълумот ва бу шахсларни аниқлаш ҳамда таниш учун фойдали бўлган бошқа маълумотлар; террорчи, айирмачи ва экстремист ташкилотларнинг режалари тўғрисида ахборот, шунингдек уларнинг аъзоларини ўқитиш ва уларни тайёрлаш жойлари (базалари) тўғрисида маълумот; террорчи, айирмачи ва экстремист ташкилотларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисида ахборот; террорчи, айирмачи ва экстремист ташкилотлар ҳамда уларнинг аъзолари томонидан уларнинг яратилганида фойдаланилиши мумкин бўлган захарли, захарловчи, радиоактив, юқумли материаллар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, ўқотар қуроли ва ўқ-дорилар, ядро, кимё, биологик ҳамда оммавий қирғин қуроли, материаллар ва ускуналарнинг бошқа турларини ноқонуний тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, топшириш, олиб ўтиш, сотиш, фойдаланиш ёки фойдаланиш орқали таҳдид солиш тўғрисида ахборот; террорчи, айирмачи ва экстремист ташкилотлар ҳамда уларнинг аъзолари томонидан давлат раҳбарлари ва бошқа давлат арбоблари, дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари, халқаро ташкилотларнинг ходимлари, исталган бир аҳдлашувчи томоннинг делегациялари ва бошқа муҳим объектларига қарши қаратилган террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёки амалга оширишга таҳдид солиш тўғрисида ахборот; терроризм, айирмачилик ва экстремизмнинг мафкуралари тўғрисида террорчи, айирмачи ва экстремист ташкилотлари томонидан тарғибот материаллари (босма, аудио- ва видео материаллар)ни ноқонуний тайёрлаш, тарқатиш тўғрисида ахборот; террорчи, айирмачи ва экстремист ташкилотларнинг молия билан таъминлаш манбалари ва каналлари тўғрисида ахборот; террорчи, айирмачи ва экстремист ташкилотларининг хос фазилати, қонунийлиги, фаолият усули ва йўсинлари тўғрисида ахборот; террорчилик, айирмачилик ва экстремистик фаолиятини олдини олиш, фош қилиш ва бартараф этиш тажрибаси тўғрисида ахборот, маълумот, материаллар; терроризм хатти-ҳаракатларни амалга оширганликда шубҳаланаётган шахслар тўғрисида ахборот, уларнинг ташқи қиёфалари,

шахсини аниқловчи ҳужжатлар, турар жойи ёки қаердалиги тўғрисида маълумот, фотосурати ва аҳдлашувчи томонлардан бирининг фуқаролигига эга бўлган ҳамда бошқа аҳдлашувчи томон ҳудудида жойлашиб олган шахслар тўғрисида бошқа маълумотлар; террорчи, айирмачи ва экстремист ташкилотларга молия, техника, қурол-яроғ ва ўқиш билан таъминлаётган ташкилотлар ёки шахслар тўғрисида ахборот олиниши”<sup>17</sup>;

**Туркия** Республикаси Ҳукумати билан “Халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битим имзоланиб, мазкур битимнинг 2-моддасида “халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси учун: - Давлат хавфсизлик хизмати; Туркия Республикаси учун: - Ички ишлар вазирлигининг хавфсизлик бўйича Бош бошқармаси марказий ваколатли органлар белгилангани; 3-моддасида “томонлар халқаро терроризмга қарши курашиш соҳасида қуйидаги: жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган терроризмнинг барча кўринишига қарши кураш; давлатининг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган террорчилик ташкилотлар, террорчиларни тайёрлаш марказлари, шунингдек алоҳида шахсларнинг фаолиятини аниқлаш ва унга барҳам бериш; террорчилик ташкилотларни қурол-яроғ, ўқ-дорилар, бир неча мақсадларда қўлланилиши мумкин бўлган ҳарбий товарлар, портловчи, заҳарловчи, радиоактив, ядровий, биологик моддалар ва кимёвий воситалар билан таъминлаш йўллари аниқлаш ва йўқотиш; гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг савдосидан келиб тушган маблағлар билан террорчилик фаолиятни таъминлаш мақсадида уларнинг ноқонуний юргизилиши билан шуғулланадиган террорчилик ташкилотлар, гуруҳлар ёки алоҳида шахсларнинг фаолиятига барҳам бериш; маълумотлар базаси, автоматлаштирилган ахборот қидириш тизимлари ва компьютер тармоқларининг хавфсизлигини таъминлаш, юқори технологиялар соҳасида терроризмга қарши курашиш; терроризм ёки террорчилик фаолиятни қўллаб-қувватлашда гумондор бўлган террорчилик ташкилотлар ёхуд шахсларнинг молиявий активлари ва пул маблағларининг ўтказилишини тўхтатиш; террорчилик фаолият, таъминлаш базаларини барпо этиш, ўқув лагер ва марказлари, ҳамда давлатлар фуқароларига қарши қаратилган қўпоровчилик ҳаракатларни

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида “Терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (2003 йил 4 сентябрь, Тошкент. 2004 йил 21 октябрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (муружаат вақти:18.08.2023).



ташкиллаштириш ёки тайёрланишага давлат ҳудудларида йўл қўймаслик чораларини кўриш; давлатлар фуқароларининг террорчилик ҳаракатларни амалга оширишда ёрдам бериш мақсадида террорчилик ташкилотларга ёллаш ва жалб этишга қарши кураш; транспортнинг барча турлари, алоқа ва ҳаётни таъминлаш объектлари ҳамда бундай объектлар нормал ишлаб туришининг вайрон бўлиши ёки бузилиши одамлар ҳаёти ва саломатлигига ҳамда атроф-муҳитга хавф туғдиришига олиб келадиган террорчилик ҳаракатларнинг барча кўринишларига қарши кураш; томонлар иштирокчиси бўлган халқаро конвенциялар доирасида халқаро ҳаво қатновига очиқ бўлган халқаро аэропортлар ва фуқаро авиациясининг бошқа парвозлари хавфсизлигини таъминлаш; террорчилик мақсадларда фойдаланилиши мумкин бўлган ҳарбий ўқ-дорилар ва бир неча мақсадларда қўлланилиши мумкин бўлган товарларнинг экспорти устидан назоратни ўрнатиш; одамлар ҳаёти ва саломатлиги, атроф-муҳит, кундалик ҳаётни таъминлаш тизимлари, транспорт ва коммуникацияларга хавф яратган технологик характердаги террорчилик ҳаракатлар оқибатларини, шунингдек бундай фавқулодда вазиятлар натижасида юзага келган зарарларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш; террорчилик ҳаракатларни аниқлаш, олдини олиш, барҳам бериш ҳамда тергов қилиш мақсадида ўзаро келишилган зарур чораларни кўриш, шунингдек бундай ҳаракатларда иштирок этган ҳар қандай шахсни жиноий жавобгарликка тортиш; терроризмга қарши курашиш мақсадида стажировка, семинар ва маслаҳатлашувлар орқали ахборот ва тажриба алмашиш, томонларнинг марказий ваколатли органлари учун кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишда ёрдам кўрсатиш каби ўн тўрт йўналишларда ҳамкорлик қилиниши; 4-моддасида “марказий ваколатли органлари қўйидаги шаклларда: террорчилик фаолиятни ташкил этадиган жиноятларни аниқлаш ва олдини олишга, ҳамда ушбу битимда кўрсатилган бошқа масалаларни ҳал этишга ёрдам бериши мумкин бўлган ахборотни алмашиш; айбланаётган ёки гумондор шахслар, ташкилот, муассаса ва фирмалар фаолиятини ўрганиш ҳамда тегишли ҳисоб-китоблар бўйича шахслар, буюм ва ҳужжатларни текшириш орқали террорчилик фаолиятни ташкил этадиган жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда ёрдам кўрсатиш; томонлар давлатларининг хавфсизлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки террорчилик ташкилотлар фаолиятига барҳам беришга қаратилган ўзаро келишилган чораларни амалга ошириш; зарур ҳолларда,



аксилтеррор операцияларини ўтказишда техник кўмак кўрсатиш; халқаро терроризмга қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш масалаларига оид қонунчиликни алмашиш каби ҳамкорлик ишларини амалга ошириш, шунингдек марказий ваколатли органлар ходимларини терроризмга қарши кураш бўйича бўлинмаларида стажировка ўташ, малака ошириш, ўқув муассасаларида таълим олиш ҳамда терроризмга қарши кураш соҳасида техника воситалари ва материаллар ҳамда махсус техника ва алоқа воситаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқиш; халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида тадқиқот дастурларини амалга ошириш, ўзаро қизиқиш уйғотадиган масалалар юзасидан маслаҳат ва семинарлар ўтказилиши<sup>18</sup>;

**Қувайт** давлати Ҳукумати билан “Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битимнинг 2-моддасида “томонлар хавфли жиноятларнинг барча кўринишларини, хусусан терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш, аниқлаш, бартараф этиш ва тергов қилишда ҳамкорлик қилиш”<sup>19</sup>;

**Покистон** Ислом Республикаси Ҳукумати билан “Халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битим қабул қилиниб ушбу битимнинг 2-моддасида терроризм атамасига қуйидагича: *“тинч аҳолининг ёки қуролли можаро даврида ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этмаётган ҳар қандай шахсларнинг ўлимига сабаб бўладиган ёки оғир тан жароҳати етказадиган, ёки мол-мулкка катта зарар етишига олиб келадиган ўқотар қуроллар, портловчи моддалар ёки ҳар қандай бошқа қуроллардан фойдаланиш орқали амалга ошириладиган ҳаракатлар ҳамда ўз характери ёки кўринишига кўра тинч аҳолини хавф остига қўядиган, унга зарар етказадиган, жамоат хавфсизлигига путур етказадиган ёки давлат муассасаларини маълум бир ҳаракатларни амалга оширишга мажбурлайдиган ва томонлар давлатларининг қонунларига биноан жиноят ҳисобланадиган, ҳаракатларни ташкил этиш, режалаштириш, ундаш ёки тажовуз қилиш”* мазмунида таъриф берилгани, мазкур битимнинг 5-моддасида: “терроризмнинг жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи барча кўринишларига қарши кураш; бир томон давлати

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида “Халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (2003 йил 19 декабрь, Тошкент. 2004 йил 1 сентябрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 18.08.2023).

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қувайт давлати Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (2004 йил 19 январь, Ал-Қувайт. Ўзбекистон Республикаси учун 2007 йил 29 августдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 18.08.2023).



хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган террорчилик ташкилотлар фаолиятини, террорчиларни тайёрлаш марказлари ҳамда шахсларни аниқлаш ва бартараф этиш; террорчилик ташкилотларни ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, кўп мақсадли ҳарбий ускуна, портловчи, захарловчи, биологик ва кимёвий моддалар билан таъминлаш йўлларини аниқлаш ҳамда олдини олиш; террорчилик фаолиятини молиялаштириш мақсадида гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддалар ҳамда прекурсорларнинг ноқонуний айланмаси билан шуғулланувчи террористик ташкилотлар, гуруҳлар ва шахсларнинг фаолиятини олдини олиш; терроризмни қўллаб-қувватлашда шубҳаланаётган террорчилик ташкилотлар ёки шахсларга молиявий активларни ва пул ўтказилишини амалга оширишни олдини олиш мақсадида саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш; уларнинг давлатлари ҳудудида террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланишни, таъминот базалари, ўқув лагерлари ва марказларининг яратилиши, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ёки ташкил этишни олдини олиш бўйича чораларни қўллаш; томонлар давлатлари фуқароларини террорчилик ташкилотларга террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда ёрдам бериш мақсадида ёлланишини бартараф этиш бўйича чораларни қўллаш; террорчилик ҳаракатларининг транспортнинг барча турлари, ҳаётни таъминлаш ҳамда алоқа объектларига, инсонлар ҳаёти ва саломатлиги ҳамда атроф-муҳит учун хавф солинишига қаратилган ҳар қандай шакли ва кўринишларини олдини олиш; томонлар давлатларида рўйхатга олинган ҳаво кемаларининг хавфсизлигини Томонлар давлатлари иштирок этган фуқаро авиациясига тааллуқли халқаро конвенцияларнинг қоидаларига мувофиқ таъминлаш; томонлар ташувни амалга оширишни ўзаро келишган ҳолда қимматбаҳо ва махсус юкларни ташишда хавфсизликни таъминлаш; террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда фойдаланилиши мумкин бўлган ҳарбий аслаҳалар ва икки ёқлама мақсаддаги товарларни экспорт қилишни назорат қилиш; террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш, аниқлаш, бартараф қилиш ва тергов олиб бориш, шунингдек уларга дахлдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ўзаро келишилган чораларни ишлаб чиқиш” каби 16 та ҳамкорлик йўналишлари; 6-моддасида: “террорчилик ҳаракатларига тааллуқли жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва терговни олиб боришга кўмак бўла оладиган ахборот алмашиш; шахсларни, ташкилотларни, муассасаларни ва фирмалар фаолиятини текшириш орқали террорчилик

ҳаракатларни аниқлашга кўмаклашиш; террорчилик ташкилотлари, гуруҳлар ҳамда шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш ва бартараф этишга қаратилган ўзаро келишилган чораларни амалга ошириш; зарур ҳолларда аксилтеррор операцияларни ўтказишда техник кўмак кўрсатиш; халқаро терроризмни бартараф этиш масалалари бўйича қонунлар ва суд қарорларига оид ахборот ва ҳужжатларни алмашиш; махсус мосламалар ва алоқа воситаларидан фойдаланиш орқали халқаро терроризмни бартараф этиш бўйича режаларни ишлаб чиқиш”<sup>20</sup>;

**ШХТга** аъзо давлатлар ўртасида тузилган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудудида қўшма аксилтеррор тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” битимда терроризмга қарши курашишда қўлланиладиган қуйидаги асосий тушунчалар: “қўшма аксилтеррор тадбирлар”- ваколатли органлари томонидан махсус аксилтеррор тузилмалар куч-қудратидан фойдаланиб, келишилган мақсад ва режа бўйича сўралаётган томонлар ҳудудларида ўтказиладиган терроризмга қарши тадбирлар; “махсус аксилтеррор тузилмалар”- ҳар қайси томоннинг ўз қонунчилигига мувофиқ қўшма аксилтеррор тадбирларни ўтказиш учун шакллантирадиган мутахассислар гуруҳи; “қўшма аксилтеррор тадбирлар иштирокчилари” -махсус аксилтеррор тузилмалар бўлинмаларининг шахсий таркиби, қўшма аксилтеррор тадбирларнинг бошқарув органи таркибига киритилган ва қўшма аксилтеррор тадбирларни ўтказишда кўмаклашувчи бошқа шахслар; “сўраётган томон”- ўз ҳудудида қўшма аксилтеррор тадбирларни ўтказиш учун махсус аксилтеррор тузилмаларни жўнатилиши ҳақида талабнома билан мурожаат қилган томон; “сўралаётган томон”- қўшма аксилтеррор тадбирларни ўтказиш учун махсус аксилтеррор тузилмаларни жўнатилишини сўраб, талабнома билан сўраётган томон мурожаат қилган томон; “кўмаклашиш тўғрисида талабнома”- сўраётган томон ваколатли органининг сўралаётган томон ваколатли органига қўшма аксилтеррор тадбирларни ўтказишда кўмаклашишини сўраб мурожаати; “ваколатли орган” - ўз қонунчилигига мувофиқ, терроризмга қарши курашни амалга оширувчи ва қўшма аксилтеррор тадбирларни ўтказишга жавобгар бўлган томоннинг давлат органи; “махсус воситалар ва таъминот материаллари”- қўшма аксилтеррор тадбирларни ўтказишда қўлланиладиган ва сўралаётган томон қонунчилигига мувофиқ, унинг

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битим ( 2005 йил 6 март, Тошкент. 2006 йил 2 майдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

худудидан олиб чиқишга рухсат этилган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника, қурол ва ўқ-дорилар, ускуналар, алоқа воситалари, махсус аксилтеррор тузилмаларнинг қурол-аслаҳалари, техника, транспорт ҳамда бошқа махсус воситалар ва материаллар; “ШХТ МАТТнинг Ижроия қўмитаси” – Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг Ижроия қўмитаси” баён этилгани(1-м); Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудудида қўшма аксилтеррор тадбирлар террористик фаолияти билан бирга жумладан, қуйидагиларни: террористлар томонидан гаровга олинган кишиларни озод этиш; технологик ва экологик хавфи юқори бўлган объектларни, атом саноати, транспорт, энергетика, кимёвий ишлаб чиқариш ва бошқа объектларни қайтариб олиш; портловчи ёки тузилиши мураккаб бўлган шикастлантирувчи ускуна зарарсизлантириш; террористлар, террористик гуруҳлар, шундай фаолият билан шуғулланувчи жиноий ташкилотлар фаолиятини тўхтатиш мақсадида ўтказилиши(3-м)<sup>21</sup>;

“Терроризм, сепаратизм ва экстремизм каби фаолиятга дахлдор шахсларнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудудига суқилиб кириш йўллари аниқлаш ва тўсиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги келишувнинг 1-моддасида қуйидаги: “бузғунчилар” – 2001 йил 15 июндаги терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясида белгиланган террористик сепаратистик, экстремистик ҳаракатларни содир этганлик учун ёки содир этишда гумонланаётган, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг махсус хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан халқаро қидирув эълон қилинган шахслар; “суқилиб кириш каналлари” – бузғунчиларнинг томонлар ҳудудига қонуний ва ноқонуний суқилиб кириши йўллари”<sup>22</sup> каби тушунчалар баён этилгани;

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ва Қирғиз Республикаси Бош Прокуратураси ўртасида “Ҳуқуқий ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда: “миллий хавфсизликка, конституциявий тузумни куч билан ўзгартиришга қаратилган жиноий тажовузларга барҳам бериш, уларнинг олдини олиш, аниқлаш, фош этиш ва тергов қилиш, халқаро

<sup>21</sup> “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудудида қўшма аксилтеррор тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги битим (2006 йил 15 июнь, Шанхай. Ўзбекистон Республикаси учун 2009 йил 17 мартдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 18.08.2023).

<sup>22</sup> “Терроризм, сепаратизм ва экстремизм каби фаолиятга дахлдор шахсларнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудудига суқилиб кириш йўллари аниқлаш ва тўсиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги келишув (2006 йил 15 июнь, Шанхай. Ўзбекистон Республикаси учун 2006 йил 15 июндан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 18.08.2023).

терроризм ва жиноятларнинг бошқа хавфли турларига қарши курашишга доир масалаларда тезкор ҳамкорлик қилиш ҳамда касбий алоқаларни кенгайтириш мақсадида терроризм, сепаратизм, экстремизмга қарши кураш соҳасида томонлар ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилиши”<sup>23</sup>;

**Миср** Араб Республикаси Ҳукумати билан “Уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги битим имзоланган бўлиб, ушбу битимнинг 2-моддаси а-бандида “томонлар ўз ваколатли органлари орқали террористлар гуруҳларининг фаолияти ва жиноятлари, уларнинг ўзаро алоқалари, раҳбарлари, аъзолари, махфий ташкилотлари тузилиши, ишлатаётган қуроллари ва уларнинг молиявий таъминлаётган манбалари тўғрисида; аксилтеррор фаолиятларида қўллаётган турли усуллари ва техникаси тўғрисида ахборот алмашиш; кучайиб бораётган терроризм таҳдиди билан кураш учун аэропортлар, темир йўл станциялари, метрополитенлар, бошқа жамоат жойларининг хавфсизлиги ва ҳимоя қилиш чора-тадбирларини такомиллаштириш мақсадида ҳаво ва темир йўл транспорти ҳимояси ва хавфсизлиги соҳасида илмий ва техникавий тажриба алмашиш бўйича ҳамкорлик қилиш”<sup>24</sup>;

**Бирлашган Араб Амирликлари** Ҳукумати билан “Уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида” битимда “терроризм ва экстремизмга қарши курашувчи ваколатли орган сифатида Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси; Ички ишлар вазирлиги; Давлат хавфсизлик хизмати; Давлат божхона кўмитаси; Бирлашган Араб Амирликларидан: Жиноий хавфсизлик бош дирекцияси; Ички ишлар вазирлиги; Давлат хавфсизлиги бошқармаси кабилар масъул эканлиги, ушбу ваколатли органларнинг асосий вазифалари терроризмга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш, жумладан, террористик ташкилотлар, гуруҳлар, унсурлар ҳамда уларнинг техникавий ҳаракатлари, фитналар ва молияланиши масалалари бўйича доимий шуғулланиш (1-м); терроризм ва уни молиялаштиришга қарши курашишда ҳамкорлик қилиш(2-м); жиноий ёки террористик гуруҳлар ва уларнинг қисмлари, ташкилотлари, фаолияти ва уларнинг жиноятлари

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ва Қирғиз Республикаси Бош Прокуратураси ўртасида “Ҳуқуқий ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (2006 йил 3 октябрь, Тошкент. 2006 йил 3 октябрдан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Миср Араб Республикаси Ҳукумати ўртасида “Уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги битим (2007 йил 18 апрель, Қоҳира. 2007 йил 25 декабрдан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти:18.08.2023).

содир этиш ҳамда молиялаштириш усуллари, уларнинг жиноий муносабатлари, фойдаланган қуроллари ва асбоб-ускуналари, улар томонидан амалга оширилган ёки тайёрланган террористик операциялар, ва шунингдек уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа хавфли жиноятларга жалб қилинган шахслар ҳақида ахборот алмашиш(3-м)<sup>25</sup>;

**Беларусь** Республикаси Ҳукумати билан “Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда террористик актларга қарши икки давлат ўртасида самарали ҳамкорлик қилиниши(1-м)<sup>26</sup>;

**Туркменистон** Ҳукумати билан “Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимнинг 2-моддасида: “ҳамкорлик йўналиши сифатида халқаро терроризмга қарши кураш; 6-моддасида: “уюшган жиноий гуруҳлар томонидан жиноятлар содир этилиши усуллари, уларнинг таркиби, тузилиши, фаолият соҳалари ва жиноий алоқалари ҳақида ахборот олиш”<sup>27</sup>;

“Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида маълумотлар алмашиш тўғрисида”ги Остона битимида “террористик гуруҳларни ташкил этиш ва (ёки) террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этиш, шунингдек жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларни аниқлашда ҳамкорлик қилиш”<sup>28</sup>;

**ШХТга**\* аъзо давлатларнинг ҳукуматлари ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида”ги битимнинг 1-моддасида: “террористик, экстремистик ва сепаратистик фаолият, иқтисодий жиноятлар, шу

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида “Уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (2008 йил 17 март, Абу Даби. Ўзбекистон Республикаси учун 2012 йил 23 мартдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (2008 йил 19 июнь, Минск. Ўзбекистон Республикаси учун 2008 йил 19 ноябрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битим (2009 йил 25 февраль, Тошкент. 2009 йил 20 ноябрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида маълумотлар алмашиш тўғрисида”ги битим (2009 йил 22 май, Остона. Ўзбекистон Республикаси учун 2011 йил 28 апрелдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

\* **Изоҳ:** ШХТга аъзо мамлакатлар рўйхати 8 давлатни ўз ичига олади: Хитой, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон. ШХТда кузатувчилар мақомида: Эрон, Беларусь, Мўғулистон ва Афғонистон. Мулоқот шериклари: Туркия, Озарбайжон, Арманистон, Непал, Камбоджа ва Шри –Ланка.

жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш”<sup>29</sup> каби ҳаракатларга қарши курашиш;

**Вьетнам** Социалистик Республикаси Ҳукумати билан ҳамкорликни янада кучайтириш ва мавжуд дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, ўз фуқароларининг ҳаёти, мулки фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашда “Терроризм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва жиноятнинг бошқа турларига қарши курашда ва уларни олдини олишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимнинг 1-моддасида “ҳамкорлик соҳаларидан бири сифатида терроризм ва шу каби жиноий фаолиятни молиялаштириш”<sup>30</sup>кабиларни аниқлаш ва бундай фаолиятга қарши курашиш;

**Саудия Арабистони** Подшоҳлигининг Ҳукумати билан “Терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига, шунингдек бошқа жиноятларга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битимнинг 2-моддасида “жиноятчиликнинг барча шакллариغا хусусан, халқаро терроризм ва уюшган жиноятчилик қарши кураш”; 4-моддасида “терроризмга қарши кураш соҳасида икки томон ўз қонунлари доирасида режалаштирилаётган ва содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар билан, икки томондан ҳар бирининг ҳудудида мавжуд бўлган ва бошқа томоннинг манфаатларига зид келувчи жиноий ҳаракатларни содир этишни режалаштираётган ёки содир этган террорчилик гуруҳлари тўғрисидаги маълумотлар билан ҳамда бундай жиноятларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш тўғрисидаги зарур маълумотлар билан алмашиш”<sup>31</sup>;

**Кипр** Республикаси Ҳукумати ўртасидаги “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимнинг 2-моддасининг а-

---

<sup>29</sup> Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг ҳукуматлари ўртасида “Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги битим(2010 йил 11 июнь, Тошкент. 2012 йил 11 январдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Вьетнам Социалистик Республикаси Ҳукумати ўртасида “Терроризм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва жиноятнинг бошқа турларига қарши курашда ва уларни олдини олишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битим (2010 йил 10 сентябрь, Тошкент. Ўзбекистон Республикаси учун 2011 йил 23 апрелдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Саудия Арабистони подшоҳлиги Ҳукумати ўртасида 2010 йил 27 ноябрдаги “Терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига, шунингдек бошқа жиноятларга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (2010 йил 27 ноябрь, Эр-Риёд. Ўзбекистон Республикаси учун 2011 йил 30 августдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

бандида “ҳамкорлик соҳалари сифатида томонлар жиноятларга, жумладан терроризмга қарши курашишда ҳамкорлик қилиш”<sup>32</sup>;

жамоат тартибини сақлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда халқаро ҳамкорликни таъминлашда **Қозоғистон** Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ўртасида “Ҳамкорлик тўғрисида”ги битимнинг 2-моддасида: “террористик ҳаракатлар томонлар давлатлари миллий қонунчилигида кўрсатилган ўз ваколатлари доирасида”<sup>33</sup> амалга оширилиши;

**Испания** қироллиги ўртасидаги “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимнинг 2-моддаси а-бандида “ҳамкорлик йўналиши сифатида жиноятларга шу жумладан, терроризм, уни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштиришга қарши курашда ҳамкорлик қилиш”<sup>34</sup>; кейинчалик мазкур давлат билан “Хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битим имзоланиб, битимнинг 1-моддасида “икки мамлакатнинг конституциявий тузуми, қонуний ҳокимияти ва ҳудудий яхлитлигига қарши қаратилган таҳдидларнинг олдини олиш; терроризм, экстремизм ва уларнинг молиялаштирилишига қарши курашиш; террористик ва экстремистик ташкилотларнинг учинчи давлатлар ҳудудидан туриб томонларнинг хавфсизлигига путур етказадиган бузғунчилик фаолиятига қарши курашиш соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш”; 4-моддасида “мазкур битимда назарда тутилган мажбуриятларни бажариш юзасидан ўзларининг ваколатли органлари ўртасида қуйидаги: террористик ва экстремистик ташкилотлар, улар билан алоқадор гуруҳлар ва алоҳида шахслар, шунингдек, бошқа трансмиллий жиноий гуруҳлар ва уларнинг мақсадлари ҳақида; террористик, экстремистик ва трансмиллий уюшган жиноятларни содир этиш усуллари ва сабаблари ҳақида; террористик актлар ва экстремизм, бошқа уюшган жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш тажрибасига оид; терроризм ва экстремизмга қарши курашдаги замонавий илмий воситаларнинг пухта

---

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Кипр Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битим (2012 йил 5 апрель, Тошкент. Ўзбекистон Республикаси учун 2015 йил 27 февралдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасида “Ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (2013 йил 14 июнь, Тошкент. 2013 йил 14 июндан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси билан Испания қироллиги ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битим (2013 йил 5 ноябрь, Мадрид. Ўзбекистон Республикаси учун 2022 йил 10 февралдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

тайёрланиши ва қўлланилиши ҳақида ахборот алмашиш”<sup>35</sup> каби кенг қамровли масалалар тартибга солингани маълум бўлди.

Терроризм ва экстремизмга қарши курашга оид битимларнинг мазмуни таҳлил қилиб ўрганилганда: а) терроризм ва экстремизмга қарши кураш муҳим бўлганлиги боис икки давлатларнинг Ҳукумати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи (Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура) органлари ўртасида битимлар қабул қилиниши; б) терроризм ва экстремизмга қарши курашишга оид асосий тушунчалар битимлар мазмунида акс эттирилгани; в) терроризм, экстремизм, сепаратизм, халқаро терроризм, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш жиноятлари ҳамкорликнинг энг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланганлиги; г) терроризм, экстремизм, сепаратизмга қарши курашишда давлатлар ўртасида амалий тажриба алмашишда конференциялар, семинар тренинглар ташкил этилиши каби вазифалар белгиланган.

Терроризм ва экстремизмга қарши курашга оид битимларнинг мазмунида назарда тутилган вазифаларни бажаришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

*биринчидан*, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (Давлат хавфсизлик хизмати, Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси), шунингдек, Миллий гвардия органлари билан доимий равишда мақсадли ва манзилли ҳамкорлик қилиш;

*иккинчидан*, терроризм ва экстремизмнинг салбий оқибатлари ҳақида ёшлар ўртасида таъсирчан тарғибот-ташвиқот чора-тадбирларни ўтказиш;

*учинчидан*, терроризм, экстремизм, сепаратизм, халқаро терроризмни молиялаштириш каби жиноятлари аниқлаш ва фош этиш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш;

*тўртинчидан*, терроризм, экстремизм, сепаратизмга қарши курашишда Ўзбекистон ва Туркия давлати Ички ишлар вазирлиги ўртасида амалий тажриба алмашиш мақсадида илмий-амалий конференция ҳамда семинар-тренингларни ташкил этиш лозимдир.

---

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида “Хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги битим (2018 йил 9 март, Душанбе. Ўзбекистон Республикаси учун 2018 йил 6 июндан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:18.08.2023).

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, терроризм ва экстремизмга қарши курашишга оид битимларда назарда тутилган қоидалар биринчи навбатда терроризм ва экстремизмга қарши курашиш билан шуғулланувчи барча давлатлар ўртасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш жараёнида тегишли чора-тадбирларни амалга оширилишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.



**WOC**  
WORLD  
ONLINE  
CONFERENCES

